



ЖАМИЯТ

№ 01 (825)
2023 йил
5 январь,
Пайшанба

2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета



www.bong.uz

@ jamiyatgzt@mail.ru



t.me/bonguz1



ИСЛОҲОТНИ АВВАЛО ЎЗИМИЗДАН БОШЛАСАК, ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНАДИ



ЧАНДИР ҚИШЛОҒИНИНГ УЛКАН ПАТИРЛАРИ

Бу патирлар нафақат мазаси, балки, ноодатий ўлчамлари билан ҳам кишини ҳайратга солади. Аммо бугунгача маҳалладан бирор ишбилармон чиқиб, қишлоқнинг патирчилик анъанасини бизнесга айлантормагани, “полвон” патирлар туманнинг “бренди” бўлмагани бизни таажжубга солди. Балки шунда патирларнинг харидори кўпайиб, нархи арзонлашармиди?



РЕЦЕПТ — АЖАЛГА ЙЎЛЛАНМА...МИ

Эътибор берганмисиз, тажрибали, кексароқ шифокорлар кўпи билан 2 ёки 3 хил дори ёзади холос. Оилавий поликлиникадаги “дафтар тўлдириш бўйича тажрибали” дўхтир опалар эса ҳатто болангизни томоғига бир қараб қўймасдан ҳам камида 5 хил дори ёзади. “Фалон хил доридан ичираяпман” десангиз, “уям яхши, униям давом эттираверинг” дейди...



Бугунги шиддат билан тараққий этаётган замон жамият негизининг ҳар бир қатламида янги ислохотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Инчунун, ахборот технологиялари тараққий дунё аҳолисининг турли минтақаларидаги фикрий майдонларида бир-бири билан тезкор информация алмашишига олиб келмоқда. Бунда инсон, уяшаётган жамият ва давлат бошқарув органларининг узвий алоқаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг муурожаатномаси дунёдаги ахборий воситалар нигоҳида кенг мушоҳада этилиб, ўзбек халқи ва давлатчилиги тақдирига бефарқ бўлмаган инсонлар қалби ва онгида акс садо бермоқда. Муурожаатнома миллат, халқ ва унинг тақдири боғланган Ватан тараққийси учун истиқболли режа янглиғ хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Президентимизнинг: “Яқунига етаётган 2022 йил ғоят мураккаб ва синовли йил бўлди, десам, ҳар томонлама тўғри бўлади. Ушбу даврда тўплаган тажрибамиз бир ҳақиқатни яққол исботлаб бермоқда: тараққий – фақат машаққатли ва жасоратли меҳнат орқали эришилади”, – дея ўтган йилнинг мухтасар сарҳисобини баён этиб, халқимиз ҳаётининг ҳар бир кундан тегишли хулоса чиқариши, меҳнат қилиш инсонни нафақат моддий, балки маънавий комиллик сари етаклаши, инсон қадрини улуғлаши муқаррарлигига алоҳида урғу берди. Бунинг учун эса давлат ўз фуқароларига барча шарт-шароитларни яратиб бериши ижтимоий давлатчилик тамойили, инсон қадри ҳар нарсдан устун шиорига асосланиб амалга оширилиши уқтирилди. Бу улуғ мақсад йўлида “Аввал – инсон, кейин – жамият ва давлат”, – деган ғояни давлат сиёсати марказида тутиб, уни нафақат Конституциямизга ва қонун, фармонларимизга, балки кундалик ҳаётимизга, меҳнат фаолиятимизга ҳам чуқур сингдиришимиз кераклиги таъкидланди. Шу мақсад йўлида Юрбошимиз томонидан кириб келаётган янги, 2023 йилга “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”, деб ном берилди ва Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг негизида инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш туриши муқаррарлиги кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинди. Инсон ва талим-тарбия капиталига кейинги йиллар давомида ҳам давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиши белгилаб берилди.

Янги Ўзбекистон тараққийнинг яқкаю ягона тўғри йўли – таълим сифатини ошириш эканлиги давлатимиз бошқарув бўғинларининг ҳар бир мутасаддиси диққат марказида бўлиши, уни кундалик ҳаётимизда дастуриламал қилишимиз кераклиги, бу йўлда, аввало, донишманд халқимизга, унинг олами маҳлиё этган буюк аждодлари қолдирган бой илмий, маданий-маърифий меросларига таянмоғимиз, шунингдек, чет элнинг илғор педагогик таржибасини жорий этиш, қолаверса, жамоатчилик назоратидан унумли фойдаланиш муҳим эканлиги қайд этиб ўтилди. Юрбошимиз билимга, зиёю заковатга, донолик ва закий-

ликка эътибор берилган юртда халқ нашъу намо топиши муқаррарлигини XI асрда яратилган, туркий тилдаги илк дидактик дoston саналмиш Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик” (Бахтликланиш билими) аса-

МУРОЖААТНОМА – ТАРАҚҚИЙГА МУНОЖОТ ДЕМАКДИР

ридан олинган ҳикматомуз иқтибос билан далиллаб ўтди:

Заковат бор жойда улуғлик бўлур,

Билим бор жойда буюклик бўлур.

Дарҳақиқат, заковату закийлик инсонни улуғлаши, билим уни буюклик сари элтиши ҳаётнинг рад этиб бўлмас қонуниятидир. Шунинг учун сифатли таълим-тарбия тараққийга интилаётган ҳар бир халқнинг нажоти эканлигини даврнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бунда баркамол шахсни вояга етказиш энг олий вазифа саналишини унутишга ҳар бир таълим фидойисининг ҳаққи йўқ. Шу боис ушбу соҳада бошланган ислохотларни давом эттириш, таълим даргоҳларига бориб, ўқитувчи ва мураббийлар билан мулоқот қилиш, ўқув-тарбия ишлари сифатини оширишда улар билан баҳам-жиҳат иш тутиш лозимлиги белгилаб берилди. Аждодларимизнинг маданий ва маънавий меросини кенг ўрганиш, уни Ватанимиз таянчи бўлган - ёшларимиз қалбига чуқур сингдириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланиши кун тартибидеги долзарб вазифа эканлиги қайд этилди.

Ҳақиқатан ҳам, меҳнаткаш халқимиз эрки ва озодлиги йўлида курашган жадид мутафаккирларининг илмий ижодий фаолиятини кенг миқёсда ўрганиш, тадқиқ этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада жадид мутафаккири Маҳмудхўжа Бехбудийнинг: “Макотиб – тараққийнинг бошланғичи, маданият ва саодатнинг дарвозасидир. Ҳар бир миллат, энг аввало, макотиби ибтидоийсини замонча ислох этиб кўпайтирмагунча тараққий йўлига кириб, маданиятдан фойдаланмас”, – деган ҳикматомуз фикри асрлар оша ўз қувватини йўқотмай эртанги кун истиқболи янглиғ янграб келмоқда.

Янги Ўзбекистонни “ижтимоий давлат” тамойили асосига қуриш, уни Конституцияда мустаҳкамлаш

кераклиги, бундай давлат, аввало, инсоннинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга хизмат қилиши лозимлиги таъкидланди.

Шу боис Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратишга урғу берилди ва: “Нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – билимда. Чунки барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади”, – деган жадид алломаларининг ёниқ фикри ёшлар онги ва тафаккурини зийнатлаши

ривожлантиш эканлиги устувор вазифа этиб белгиланди.

Ҳеч кимга сир эмаски, Янги Ўзбекистонни бунёд этишнинг дастлабки йиллариданоқ олий таълимга кириш имтиҳонларини шаффоф ўтказилиши таъминланди. Бу эса тизимдаги турли коррупцион ҳолатларга чек қўйди. Натижада халқимиз қалбида адолатга ишонч туйғуси жўш уриб, иқтидорли ёшлар учун нафақат Республикамиз, балки халқаро миқёсдаги олийгоҳларда ўқиш имконияти яратилди.

кераклиги таъкидланди.

Муурожаатномада миллий ва хорижий тилларни ўрганишга урғу берилди, чунки элу юрт истиқболини белгиловчи ёшларимиз таълим даргоҳларида ўзлимиз тимсоли, маънавиятимиз асоси, миллийликнинг бош белгиси бўлган она тилимизни чуқур ўрганиши уларда миллий қадриятларга садоқатни шакллантирса, халқаро тилларни ўрганиши жаҳон миқёсидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, савдо ва ишлаб чиқариш жабҳаларида ўз интеллектини шакллантириши, замонавий касб-хунар ўрганишини таъминлайди. Провард натижада фарзандларимиз креатив фикрлайдиган, жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган, рақобатбардош кадр, баркамол шахс бўлиб улғаяди.

Сўнги йилларда мактабгача таълим, халқ таълими, профессионал касб-хунар таълими, олий таълим ва олий таълимнинг кейинги босқичларида катта ислохотлар амалга оширилди. ОТМлар хузурида илмий тадқиқотлар олиб боришга, уларни амалиётга, ишлаб чиқаришга, саноатга жорий этиш учун кенг имкониятлар яратилди. Битирувчиларнинг олий таълимга қамров даражаси 9 фоиздан 38 фоизга етказилдики, бунинг натижасида Республикамиз миқёсида фаолият юритаётган олийгоҳлар сони 198тага етди. Галдаги вазифа эса улардаги сифат ва самардорликни

Хусусан, Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Термиз, Каттакўрғон, Ургут филиаллари очилиб, олийгоҳ тингловчилари учун малакали мутахассислар жалб этилди. Уларда таҳсил олаётган талабаларнинг билим ва кўникмаларини адолатли, шаффоф баҳолаш тизими ишлаб чиқилиб, кенг йўлга қўйилди. Бу борада олиб борилган ишларнинг энг асосийлари сифатида куйидагиларни келтириш мумкин:

- бакалавр даражасини олишда ёзиладиган битирув малакавий ишининг ихтиёрийлаштирилиши. Бунда талаба истаса, диплом иши ёзади, истамаса асосий мутахассислик фанларидан ЯДА имтиҳони топширади.

- ҳар бир семестр якунида олинган имтиҳонларни текширишни мутахассислик турига мувофиқ бошқа олийгоҳларга йўналтириш. Бунда талаба СамДУда имтиҳон топширади ГулДУ, БухДУ каби биророрта олийгоҳ томонидан баҳоланади.

- талабалар билимини баҳолаш марказининг ташкил этилиши.

Чунончи, Олий таълим тизимида сифат ва самардорликни такомиллаштиришда олийгоҳ ректорлари, профессор ва ўқитувчилари яқдил бўлиши, замон талабларига жавоб бера оладиган, рақобатбардош усулларни жорий этиши кераклигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига ва Олий мажлисга муурожаатномаси замирида янги 2023 йилда амалга оширилиши кўзда тутилган тизимли ислохотларнинг истиқболли режалари жамланган. Демак, таълим, тарбия ва унинг сифат, самардорлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтариляптими, бунинг натижадолигидан халқимиз танлаган тараққий йўли маънавият кўри, илм зиёси ила ёриша боради.

Муслихиддин МУҲИДДИНОВ,
Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети
профессори, филология фанлари доктори.

Комилжон ҚАРШИЕВ,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори.



ИСЛОҲОТНИ АВАЛО ЎЗИМИЗДАН БОШЛАСАК, ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНАДИ

Қайсики миллатнинг таълимига эътибор берилар экан, ана шу миллат тараққий этаверади. Бизни ҳам қувонтирадиган битта ҳолат, таълим масаласи мамлакатимиз сиёсатининг энг устувор вазифаси сифатида қаралаётганидир. Яққол мисол, Президентимизнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси ва Халқаро конгресс марказида «Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир!» мавзусидаги замонавий дарсликлар кўرғазмаси билан танишгани ва мана шу кўрғазма доирасида бир гуруҳ ўқитувчилар билан учрашганидир.

Энди келинг, алоҳида тўхталсак, дастлаб мурожаатнома ҳақида: Мурожаатномани бутун халқимиз катта ҳаяжон билан кузатди. Мурожаатнома кенг камровлиги билан, олқишларга сазовор бўлди.

Педагог сифатида таълим соҳаси ҳақида бўлган фикрлар мени жуда қувонтирди. Янги 2023 йил «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» дея номлангани бизнинг соҳага жиддий қаралаётгани ифодасидир. Дунё ҳамжамиятида маълумки, қайсики юрт обод бўлса, қайсики юрт ривожланаётган бўлса, ҳаммасининг таг-замирида сифатли таълим-тарбия турибди. Президентимиз нуткида: «Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир», дея таъкидлангани ва шунга қараб ҳаракат қилинаётгани бугунги замонавий дунё тараққиётининг ажралмас қисмидир. Демак, биз тўғри йўлдамиз.

Яна шунингдек, Мурожаатномада Янги Ўзбекистонни «Ижтимоий давлат» тамойили асосида қуришнинг дастлабки шарти сифатли таълим эканлиги ва энг катта инвестиция, аввало, таълимни кўллаб-қувватлашга қаратилиши лозимлиги, шу мақсадда келгуси йилдан бошлаб мактаб таълимини халқаро таълим дастурлари асосида бутунлай ислоҳ қилиш бошланиши айтиб ўтилгани барчамиз учун қувонарли ҳолдир. Нега, деганда афсуски мактабларда камчиликлар етарли. Буларни бартараф этиш учун, барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, ҳаракат қилмоқдамиз. Агар, мактаб таълимини ислоҳ қилинса, янада замонавий методлар жорий қилиб, амалдагилар замон талабларига мослаштириб, қайта кўриб чиқилса, муштарак орзулар албатта амалга ошажақдир.

Президентимизнинг: «Ўқитувчиларнинг мақомини, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилишни Конституцияда алоҳида белгилаш зарур, деб ҳисоблайман», дея таъкидлагани биз педагоглар қалбига янги умидлар, орзулар бағишлади.

Президентимизнинг: «Келаси йили 70 та янги мактаб қурилади, 460 таси кенгайтирилади», дегани – бу барчамиз учун фахрдир. Ахир, бу – ҳаммаси шу юрт тараққиёти учун қилинаётгани, бу мактабларда сифатли таълим олган ўқувчилар, эртага юрт тараққиёти, ривожига ҳисса қўшишишни ўйласак ва ҳис қилсак – ғурурдир.

Мурожаатномада таъкидланишича: «Хусусий инвестициялар иштирокида 100 та мактаб қуриш лойиҳалари бошланади, келаси беш йилда уларнинг сонини мингтага етказамиз», бу лойиҳа Янги Ўзбекистон келажagini белгилайдиган йирик лойиҳадир.

Лекин, Президентимизнинг «Мактаб битирувчиларининг 50 фоизи меҳнат бозорига ҳеч қандай касбга эга бўлмасдан кириб келаётгани ҳаммамизни ўйлантириши керак», дея таъкидлагани энг оғриқли масаламиздир. Дарҳақиқат, бугун битирувчиларнинг кўпи катта ҳаёт бўсағасида қандайдир, довдираб қолаётгандек. Бунинг учун эса биз ҳам айбдордекмиз. Ҳаммамиз ислохотни аввало ўзимиздан бошласак, жамият ривожланади. Мисол учун бизнинг мактабимизда ҳам бу масалаларни бартараф этиш учун изчил ишлар олиб борилмоқда. Ёшларни бўш вақтини мазмунли ва марокли ўтказиш учун мактабимизда турли фан ва спорт тўғараклари, маданий-маънавий тўғараклар фаолияти йўлга қўйилган. Аҳил жамоамиз билан ҳаракат қиялпамиз.

Ўқувчиларимизнинг орзулари-

ни, келажакда қайси касб эгаси бўлишларини ҳозирдан ҳал қилиб – ўз мақсадлари сари дадил қадам ташлашларига кўмаклашиш, мактабдан ҳар куни янги ғоялар ва соф фикрлар олиб кетишлари учун, келажакда қайси қаб эгаси бўлишларидан қатъи-назар ватан тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшишлари – биз мактаб ўқитувчилари учун ғурур эканини бутун жамоамиз чуқур ҳис қилиб турибмиз.

Президентимизнинг: «Болаларимиз мактабдан она тили ва чет тилларини пухта ўзлаштириб, компьютерда ишлашни ўрганиб чиқиши зарур. Фарзандларимизни касб-хунарга, санъат ва маданиятга қизиқтириш лозим.

Ўқувчиларда эркин ва креатив фикрлашни, жамоада ишлаш ва мулоқот кўникмаларини шакллантиришимиз лозим», деган гапларини ҳар биримиз чуқур ҳис қилиб, ҳаракат қилишимиз керак. Бу борада бизнинг мактабда: Ўқувчиларимизнинг касб-хунарга лаёқатини ошириш, она тили ва адабиёти, тарих, маданият, аниқ ва табиий, гуманитар фанлар – шунингдек, дунё билан ҳамнафас бўлиши учун чет тилларини пухта ўрганишлари учун педагоглар кўлимиздан келганча ҳаракат қилмоқдамиз. Ўқувчиларимиз ҳам кўзлари ёнган ҳолда ҳаракат қилмоқдалар.

Энди 29 декабрдаги учрашув ҳақида бироз мушоҳада юритсак: Президент янги дарсликлар билан танишиб, уларнинг мазмуни юзасидан тавсиялар берар экан:

– Дунё педагоглари тажрибасидан фойдаланган яхши. Шу билан бирга, дарсликларда миллий ғоя, аждодларимиз мероси ҳам бўлиши керак. Масалан, жадид болаларимиз таълим бўйича қанча ишлар қилган. Яқинда Элбек домлани ўқидим. «Қиз болани ўқитган давлат бутун жамиятни ўқитган бўлади» деб ёзган экан. Бизнинг дарсликларимизда бундай гаплар йўқ-ку. Нима демоқчиман? Янги дарсликларни шундай мукамал тайёрлаш керакки, кейинчалик бунга яна қайтмайлик. Бугунги таълим қирқ йилдан кейин биз ҳақимизда сўзлайди, – дея, гапир-

гани ўқитувчилар орасида ижобий фикрларни ва муҳокамаларни юзга келтирди.

Яна шу мулоқотда Президентимизнинг: «Таълимда эски тизимни бузолмас эканмиз, замонавий кадрни тайёрлай олмаймиз», – дея таъкидлагани бугунги таълимга нақадар жиддий эътибор берилётганининг яққол мисolidир. Бугунги ёш авлодга замон билан ҳамнафас ўқитувчи ва мураббийлар таълими жуда зарурлиги давр талаби экани, ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, ўқитувчи эски ғоялардан воз кечиб, Президентимиз таъкидлаганидек, «Замонавий кадр»га айланиши шарт ва лозимдир.

Мулоқотда Президент томонидан: «Кўп миллатли жонажон Ўзбекистонимизда ҳар бир фарзандни «бу менинг фарзандим, эртанги кунимнинг пойдевори, замини» деб тарбия қилсак, албатта, натижага эришамиз», дея айтгани, барча педагог кадрлар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиши керак. Биз тарбиялаётган, биз таълим бераётган ўқувчилар эртанги кунимизнинг, ватан тараққиётини эртанги кунини белгилайдиган асосий локомотив эканини ҳар он ёдимизда тутиб, улар учун масъул эканимизни унутмаслигимиз керак.

Янги Ўзбекистоннинг мактаб ўқитувчиси ҳар томонлама замон талабларига мос бўлиши бугунги куннинг ҳақиқатидир. Агар ўқитувчини дунё қараши қанчалик кенг бўлса, дарс сифати ва мактабда ижобий муҳит шаклланишига асосий роль ўйнайди. Шунинг учун, мактабимиз педагоглари ўз устиларида ишламоқдалар, ҳаракат қилмоқдалар.

Биз барчамиз муштарак орзулар йўлида бир ёқадан бош чиқариб, бир маслак – Янги Ўзбекистонни қуриш ва ривожлантириш йўлида муҳтарам Президентимизга камарбаста бўлишимиз ва Президентимизнинг биз ўқитувчи ва педагогларга билдирган ишончини оқлашимиз шарт.

Абдухамид ТУЛЯГАНОВ,
Тошкент шаҳар
Шайхонтохур тумани 314-мактаб
директори в.в.б.

“Док-1 Макс” дори воситасининг ножўя таъсири сабаб 20 нафар бола вафот этгани ҳақидаги хабарлар бизнинг тиббиётимиз, шифокорларимизнинг бугунги аҳволини, улкан бизнесга айланиб кетган фармацевтика бозоридаги “катта ўйин”ларни кўрсатиб қўйди. Аслида бу аянчли ҳолат туфайли неча йиллардан буён юзлаб, балки минглаб одамлар қурбон бўлаётгандир эҳтимол.



РЕЦЕПТ — АЖАЛГА ЙЎЛЛАНМА...МИ?

Тан олайлик, халқимиз дори препаратларига тобора аёвсиз ружу қўймоқда. Эслаб кўринг, оддийгина 10-15 йил олдин битта касаллик билан дўхтирга борсангиз нечта дори ёзиб берардию, хозир нечта ёзиб беряпти. Препаратлар эса рецепт қоғозига эмас, ўша дори компанияси чиқарган махсус варақчага ёзиб берилади. Ҳатто қандай аломатлар эканини телефонда сўраб, камида ўн та дорининг рўйхатини СМС қилиб юборади беморга. Бемор эса аптекага югуради...

ТВ ёки радио орқали реклама қилинаётган дорилар билан ўзини ёки фарзандини даволаётган одамлар миллионлаб топилса керак. Реклама эса шунчалик усталик билан

макташадик, дарддан қийналиб турган бемор борки шу препаратни қабул қилиб чопкиллаб кетишига чиппа-чин ишонади.

Эътибор берганмисиз, тажрибали, кексароқ шифокорлар кўпи билан 2 ёки 3 хил дори ёзади холос. Оилавий поликлиникадаги “дафтар тўлдириш бўйича тажрибали” дўхтир опалар эса ҳатто болангизни томоғига бир қараб қўймасдан ҳам камида 5 хил дори ёзади. “Фалон хил доридан ичираяпман” деса сангиз, “уям яхши, унияма давом эттираверинг” дейди...

Хуллас, бу сохани тезкорлик билан жиддий ислоҳ қилиш керак. Одамлар ҳаётини бизнесга тикаётган “фармацевтика магнатлари”ни жиловлаш вақти етди.

Нима қилиш керак?

1. Ҳар қандай дори препаратини фақат рецепт асосида сотилишини қатъий белгилаш. Балки хориж тажрибасидаги каби “аспирин” ёки шунга ўхшаш айрим препаратларни аптека режимидан чиқариш, оддийгина озик-овқат дўконларида сотишни йўлга қўйиш мумкин дир.

2. Ҳозир фақат қоғозда бўлган – 3 тадан ортиқ дори ёзиш мумкин эмаслиги ҳақидаги тартибни қатъий ўрнатиш шарт. Ундан кўп сондаги дори ёзиш фақат шифокорлар консилиуми асосида бўлсин. Битта шифокорнинг ўзи ҳаводан олиб ўн та дорини қаторлаштириб ёзма син.

3. ТВ, радио, умуман жамоатчилик ўртасида аптека режимидаги ҳар қандай дори препарати реклама қилинишига бутунай чек қўйилиши керак. Аслида бу рекламалар одамларни ўзини ўзи даволашга ундашдан бошқа нарса эмас. Бу жуда хавфли даъват!

4. Қўлида рецепти бўлмаган одамга дори препарати сотишни бутунлай тақиқлаш, бунинг учун қатъий чораларни қўллаш...

Мен шифокор эмасман, лекин бугунги реал ҳолатдан келиб чиқиб фикримни изоҳлашга ҳаракат қилдим. Кўчага чиқиб икки километр юриб сананг, йўлингизда нечта аптека учрайди? Мана шунинг ўзи вазият нақадар жиддий эканини кўрсатиб турибди.

Ҳусниддин БЕРДИЕВ,
журналист



Биринчи ҳолат:

Иш юзасидан Қорасув массивига борадиган бўлдим. Шеригим билан эрталаб 07:30 да Ибн Сино кўчасидаги стадион ёнида учрашишга келишдик.

Мен одатимга кўра, белгиланган вақтдан бир оз олдинроқ айтилган манзилга етиб бориб, автомашинамни йўл четига тўхтатдим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ён эшик ойнаси тақиллади. Қарасам, хушбичим кийимли, соч-соқоли таралган, 50 ёшлар атрофидаги эркек. Ойнани тушириб, саломлашгач, мақсадини сўрадим:

— Лаббай, амаки. Бирон хизмат борми?

— Шу десанг, укам, мен Тойлоқда тураман. Шаҳардаги больницада янганг етибди. Кўргани келгандим. Чўнтақда икки минг сўм пул қолди, — деб иккита минг сўмликни кўрсатди. — Уйга етиб олишимга 5 минг сўм етмаяпти. Бир савоб иш қил, кўчада қолмай.

Айнан шу куни ўзим билан нақд пул олманганимни қаранг. Хижолат бўлиб, машинанинг у-бу жойини қовлаб, аранг 5 минг сўм тўпладим. Амакидан “баракатоп”ни эшитиб, хотиржам бўлдим.

Аммо не кўз билан кўрайки, ўша амаки мендан кейин тўхтаган машина ҳайдовчиларига ҳам иккита минг сўмликни кўрсатяпти. Учта автомашина ойнасидан пул узатилганини кўрдим. Кайфиятим бузилди. Пулимга ачинмадим, ода-

мийлик йўқолиб бораётганига куйиндим.

Иккинчи ҳолат:

Ҳамшаҳарларимиз тилида ГУМ, дея аталадиган савдо мажмуаси ёнидаги автотураргоҳга келиб тўхтадим. Машинадан тушишим билан 8-9 ёшлар чамасидаги лўли қиз кичикроқ укасини қўлидан судраганча олдимга югуриб келди. Ана, яна бошланди, дедим ичимда, унинг пул тама қилишини кутиб.

— Амаки, балонларизни қорайтириб берайми? — дея савол берди лўли қиз кутилмаганда.

Ундан буни кутмаганлигимданми ёки “садақа қилинг”, деб суйқалишни бошлаганда жеркиб беришга тайёрланганлигим сабаблими, негалигини аниқ билмайман: “Керак эмас”, деб бақириб юборибман.

У лом-лим, демай укасини четга тортиб, менга йўл берди.

Шаҳдам қадамларим секин асталашди. Ўн қадамлар чамаси юргач, қилмишимдан қаттиқ уялиб, тўхтадим. Ортга бурилиб, уларни қўлим билан ўзим тарафга чорладим.

— Балонларни қандай қорайтирмоқчисан? — дея савол берган бўлдим, қилган қўполлигим учун узр сўрашни ор билиб.

— Артиб чиқаман, яп-янгидек бўлади, амаки.

— Менда кутиб ўтиришга вақт йўқ. Сен балонларни артиб тур, дўконга кириб бир нарса оламанд, тез чиқаман.

— Йўқ, уйга кетишимиз керак, кеч бўлди. Сиз пулини бериб қўйинг. Атиги 3 минг сўм бўлади. Мен ишимни қилиб кетавераман.

Бу гапдан кейин менда яна ўша ишончсизлик кайфияти уйғонди. Пулни олиб жуфтакни ростлайди, деган хаёлга бордим. “Унақа бўлса, келишолмадик”, деб дўконга қараб кетдим.

Дўконда савдо қизиди, анчагача қолиб кетибман. Ишим битиб, ташқарига чиқиб қарасам, машинанинг балонлари яп-янгидек, ялтираб турибди. Лўли қизалоқ эса йўқ.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, уларни қидириб ГУМнинг атрофини айланиб чикдим. Машинага ўтиргач ҳам анча вақт қалитни бурай олмадим, кутдим.

Бу воқеа уч ой олдин содир бўлган эди. Ўшандан буён ҳар гал ГУМнинг олдидан ўтганимда тўхтаб, атрофга қарайман, нигоҳим насибаси менда қолиб кетган лўли қизалоқ ва унинг укасини излайди. Куни келиб, мен уларни албатта, топаман ва нодонлигим учун узр сўрайман. Токи, одамийлик ўлмасин...

Асқар БАРОТОВ.

Галаосиё нонлари ҳақида эшитмаган юртдошимиз, Самарқандга келиб, уни таътиб кўрмаган сайёҳ бўлмаса керак. Бошқа вилоятдагиларга азим кентни ёдга солувчи бу неъмат хорижда ҳам маълуми машҳур. Аммо биз бугун у ҳақида эмас, балки вилоятнинг “ташириф қозоғи”га айланиши мумкин бўлган яна бир нон маҳсулотини, Паст Даргом туманининг Чандир қишлоғида тайёрланадиган улкан патирлар тўғрисида ҳикоя қилмоқчимиз. Кўпчиликнинг ҳайратига сабаб бўлган бу патир қандай тайёрланишини кўриш мақсадида Чандирга йўл олдик.

Манзилда бизни “Чандиробод” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ахтам Шоназаров кутиб олиб, чандирликлар, уларнинг ўзига хос патир пишириш анъанаси ҳақида гапириб берди.

– Маҳалламиз тўрт қишлоқдан иборат, - дейди А.Шоназаров. – Барчасида патир шундай, катта-катта қилиб пиширилади. Бу анъана қачон, ким томонидан бошлаб берилгани ҳақида аниқ маълумот йўқ. Лекин аёлларимиз буни оналари, момоларидан ўрганиб, ўз қизларига етказиб келмоқда. Бугун биргина Чандиробод маҳалласида 20 нафардан ортиқ аёл патирчилик билан шуғулланиб, оиласига кўшимча даромад олиб қирипти. Патирларимизни махсус контейнерларга жойлаб, хориждаги танишларига юборганлар ҳам бўлди. Бу эса қишлоғимиз, Самарқандимизнинг номини жаҳонга ёйишда бир восита ҳисобланади.

Чандирободлик Махбуба Жўраева 20 йилдирки патирчилик билан шуғулланади. У шу пайтгача 4 нафар шогирд тайёрлаб, мустақил иш бошлашига кўмак берган. Бешинчи шогирди Дилафрўз Эргашева бўлиб, ҳозир улар ҳамкорликда ишламоқда. Биз келишимиз билан икковлон энг шимариб, хамир қоришга киришиб кетди.

– Патирни буюртмачининг хоҳишига қараб, турли ўлчамларда тайёрлаймиз, - дейди Махбуба опа. – Энг каттаси икки килограмм тош босади. Ундан ҳам каттароғини қилишимиз мумкин эди, лекин тандирга сиғмайди. Тандирларимиз ҳам патир пиширишга мослаштирилган, катта бўлиши баробарида оғзини ҳам кенгрок қилганмиз. Шундай бўлса-да, бир тандирда учтадан ортиқ патир сиғмайди.

– Хамир маромига етди, энди уни икки-уч соат дам олдирамиз, - дея

иш улар учун кўшимча даромад манбаи экан. Уларнинг асосий даромади мавсумий полиз экинлари, томорқада маҳсулот етиштириш орқали бўлади.

– Кўпчилик нега хотин-қизларингиз бошқаларга ўхшаб патирларини кўчага олиб чиқмайди, растага қўйиб сотмайди, дея савол беради, - дей-

фатли менежментга муҳтож. Қолаверса, бу лойиҳа нафақат туман, балки вилоятимизнинг туризм салоҳиятини оширишга, энг асосийси, маҳаллий аҳолининг даромади кўпайишига хизмат қиларди.

Чандир қишлоғидан чиқиб, асосий йўлдан шаҳар томонга қараб юрар-



ЧАНДИР ҚИШЛОҒИНИНГ УЛКАН ПАТИРЛАРИ

ди маҳалланинг хотин-қизлар фаоли Диёра Шодмонова. – Бунинг сабаби оддий, маҳаллий аҳоли 55 минг сўмлик патирларни кундалик истеъмол учун олмайди. У асосан тўй-у марокалар, катта базмларга буюртма қилинади. Бундан ташқари, патир бозорга олиб чиқилса, уни сотиш учун яна бир киши банд бўлиши керак. Бу эса маҳсулот нархини кўтаришни тақозо этади. Харидорлар кичик, бир-икки кишилик патирларни маъқул кўради. Албатта, биз ҳам дўконларга, бозорларга патир чиқариб тураемиз. Буюрмачиларнинг аксарияти ўша патирлар ортидан қишлоғимизни ахтариб келишади.

Эндигина тандирдан юзи қизариб чиққан патирларни есангиз таъми тилингизда қолади. Патирчи опаларнинг “Бу гал унчалик яхши чиқмади-да”, деган хижолатомуз гаплари камтарликдан бошқа нарса эмаслигига амин бўласиз.

Дарҳақиқат, туман маркази ва Самарқанд шаҳаридан деярли бир хил масофада жойлашган ушбу қишлоқда ғаройиб патирлар тиширилган экан. Бу патирлар нафақат мазаси, балки, ноодатий ўлчамлари билан ҳам кишини ҳайратга солади. Аммо бугунгача маҳалладан бирор ишбилармон чиқиб, қишлоқнинг патирчилик анъанасини бизнесга айлантирмагани, “полвон” патирлар туманининг “бренди” бўлмагани бизни таажжубга солди. Балки шунда патирларнинг харидори кўпайиб, нархи арзонлашармиди? Назаримизда жараён си-

канмиз, патирчилик анъанаси бўлмай туриб, бу ишни бизнесга айлантираётган маҳаллага дуч келдик. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг икки йил олдин Жоул Қосим номли ушбу маҳалланинг Спитамен шохқўчасидан ўтувчи қисмида деярли ҳеч нима йўқ эди. Бугун эса у ерда маҳаллий аҳоли томонидан очилган ошхона, новвойхоналарда нон, патир, бичак, сомсадан тортиб, кабобгача сотилмоқда. Дилингиз нимани истаса, муҳайё қилишади.

– Асл касбим новвой, - дейди Фаррух Қобилов. – Илгари Жума шаҳрида новвойлик қилардим. Икки йил олдин маҳалламизнинг ўзида патирчиликни бошладим. Аввал бошида кўчада учта тадбиркор эдик. Ҳозир ўн кишидан ортиқмиз. Савдо яхши бўляпти. Харидорларнинг талабига қараб нон, бичак пиширишни ҳам йўлга қўйдик. Шаҳсан мен бир кунда 200 тагача патир, 300 та нон сотяпман. Даромадим ёмон эмас. Икки кишини иш билан таъминладим. Фаолиятимизни кенгайтириб борапмиз.

Айтмоқчи бўлганимиз, ҳаракат имконият яратади. Имкониятдан қандай фойдаланиш эса ўз қўлимизда. Чандир қишлоғининг ўзига хос патирлари ҳам катта бир имконият. Фақат бу имконият биргина шу қишлоқники эмас, балки, бутун туман, вилоятники. Самарқанднинг гастрономик туризм йўналишига Чандир қишлоғининг патирлари ҳам кўшилса, қандай бўларкан?

Аскар БАРОТОВ.

Нурота чашмаси: Мўъжизанинг сири нимада?

Нега рус босқинчилари чашма балиқларини еб ҳалок бўлган эди?

Нурота чашмасининг сирли жиҳати бу ернинг табиий ўрни ва булоқнинг шифобахш хусусиятлари ҳам сабаб бўлган. Шунингдек, чашма суви таркибидаги фосфор моддаси сувнинг ва балиқларнинг товланиб туришини таъминлаб, жозибали кўриниш пайдо қилади.

Нурота чашмасининг суви минглаб километр ерости йўлакларидан сониясига 290 литр миқдорда оқиб чиқади. Чашма суви қишин-ёзин бир хил — 19,5 даража илиқ бўлади.

Минг йиллар давомида оқиб турган чашманинг музлаши ҳеч кузатилмаган, у минераллашган юмшоқ ичимлик сувидир. Аниқланишича, мазкур сувнинг таркибида олтин моддаси бор, у ошқозон-ичак хасталиқларига даво. Сувдаги йод моддаси буқоқ касаллигига, ноёб бром моддаси эса асаб касалликларига шифо эканлиги қадимдан маълум. Унинг таркибида-

ги кумуш эритмаси эса сув таркиби яхши сақланишини таъминлайди.

Чашма сувининг 80 фоизи ер қаъридан чиқиб турса, қолган 20 фоизи ерости йўлакларидан ва қудук томонидан келиб, бутун шаҳарга ҳаёт бахш этади. Мазкур чашмадан тарихда энг кўпи сониясига 460 литргача сув чиққан бўлса, курғоқчилик йиллари энг кам сониясига 180 литр сув чиққан. Муқаддас чашма сувидан бугунги кунда кўплаб зиёратчилар ва чет элдан келган сайёҳлар ҳам олиб кетадилар.

Нурота чашмасининг балиқлари тоғ дарёларида учрайди, фан тилида сутбалиқ, яъни дарё маринкаси деб аталади. Мазкур балиқлар ўртача 17 йил яшаб, умри давомида чашма суви чиқадиган ариқчаларни кумлардан тозалайди, сувнинг мўътадил келишини таъминлаб, хатто уни филтёрлаб беради.

Қизиғи шундаки, балиқлар ҳеч қандай ташқи озукасиз, сув таркибидаги микроорганизмлар ва мине-

раллардан озикланиб яшайверади. Шу боис ўтмишда баъзилар уларни «авлиёбалиқ» деб ҳам аташган.

Маҳаллий аҳолининг таъкидлашича, ўтган аср бошларида рус аскарларининг ўлимига ҳам айнан шу балиқ истеъмоли сабаб бўлган. Огоҳлантиришга қарамай, улар «авлиёбалиқ»дан овлаб ейишган ва шу заҳоти ҳалок бўлишган.

Ростдан ҳам бу балиқларни истеъмол қилиб бўлмайди, чунки уларнинг ичида қора пардаси бўлиб, увилдириги заҳарли, уни тозаласдан истеъмол қилган одамнинг терисида доғлар пайдо бўлади, кўпроқ истеъмол қилса, ўлимга олиб келади.

Бу илохий маскан бугунги кунга келиб обод қилинган, унинг ёнида хиёбон, меҳмонхона, фавворалар, ям-яшил дарахтзор гулзорлар барпо этилган. Сир-асрорларга тўла Нурота чашмасидан хорижлик сайёҳлар ва юртдошларимизнинг қадами узилмайди.

Шухрат НОРМУРОДОВ.



МИЛЛАТ РАВНАҚИ ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

Ёшларни илмга қизиқтириш, уларни касб-ҳунарга ўргатиш масъулияти аввало ота-онанинг зиммасида бўлади. Ўсиб келаётган ёш авлод олган илмини миллат равнақи учун сарф қилади, ўрганган касбидан ўзи учун ҳалол, покиза ризқ топади, жамиятга, инсонларга фойдаси тегади. Бировга муҳтож бўлмайди.

Ота-она ўз фарзандининг ҳар бир хатти-ҳаракатини назорат қилиши, қайси иш фойдали, қайси зарарли эканини унга тушунтириши лозим. Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат барпо этар эканми, фарзандларнинг ҳуқуқий тарбиясига алоҳида эътибор беришимиз керак. Чунки ўсмир қонунларни яхши билмас экан, жиноят қўчасига кириб қолиши ҳеч гап эмас.

Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда жойлардаги маҳалла, мактаб, малакали ҳуқуқшунослар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари биргаликда ҳаракат қилиши зарур. Бунда айниқса маҳалланинг ўрни бекиёс.

Мен пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги “Чилтўғон” маҳалла фуқаролар йиғинида ёшлар етакчиси бўлиб ишлайман. Маҳаллада “Ёшларнинг бўш вақти – етакчининг иш вақти” ши-

ори остида ёшлар билан ишлашнинг янги амалий бошқарув механизми жорий этилди.

Ана шу асосда йил бошидан буён “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг оиласи тўлиқ ўрганилган ҳолда уларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини-ўзи банд қилиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналарга 70 миллион сўмга яқин субсидия ажратилди. Шу орқали уларнинг оила аъзолари ҳам иш билан таъминландиган бўлди.

Маҳалладаги Зиёда исмли тикувчи қиз “Ёшлар дафтари” орқали олган тикув машинаси ва оверлог ёрдамида оилавий тадбиркорликни йўлга қўйди. Унинг онаси ва онаси ипдан қўғирчоқ ясашади, Зиёда эса уларга кийимчалар тикади. Улар ана шу орқали ўз-ўзини иш билан таъминлаш билан бирга яшигина даромад ҳам топишяпти.

Мамлакатимизда ёшларнинг билим олиши учун катта имкониятлар яратилиб, уларга моддий ва маънавий қўмак бериб келинмоқда. Яқинда маҳалламизда истиқомат қилувчи икки нафар профессионал ва олий таълим муассаса ўқувчи ва талабасига тўлов-контракт суммасининг ярми қоплаб берилди.

Ёшлар балансини шакллантириш жараёнида Мирмуслим исмли ёш йигитнинг уйига бордим. Унинг ота-онаси иккинчи гуруҳ ногирони бў-

либ, Мирмуслим уларнинг яққаю ягона, ишонган тоғи экан. Йигит шу йил олий таълим муассасасига тўлов-шартнома асосида ўқишга қабул қилинганини, лекин шартнома пулини тўлашга имкони етарли эмаслигини айтиб, бу йил ишлаб турмоқчи эканини айтди. Шунда мен Мирмуслимга: “Укажон, агар контракт суммангни бир қисмини “Ёшлар дафтари” жамғармасидан қоплаб берсак, ўқишни давом эттирармидинг?” деб сўрадим. У эса кўзларига ёш олиб “Ҳа, албатта”, – деб ишонар-ишонмас жавоб

қайтарди.

Мирмуслимни “Ёшлар дафтари” платформасига жойлаштириб, керакли хужжатларини тайёрладим. Орадан чамаси йигирма кунлар ўтиб, тўлов-шартнома пулининг ярми – ўн икки миллион сўм миқдори қоплаб берилди. Бу хабарни эшитганимда, аввало ўзим қувондим. Дарҳол Мирмуслимнинг ёнига бориб, тўлов-квитансияни қўлига берганимда, кўзларидан хурсандчилик ёшлари қалкиди. Ота-онаси ҳам ўзида йўқ хурсанд бўлиб, имо-ишора билан қўлини дуога очди. Унинг хонадонидан қайтар эканман, қилаётган ишларимдан қониқиш ҳосил қилдим, фахр туйғусини хис қилдим.

Ҳозир яна икки нафар талаба контракт суммасининг бир қисми қоплаб берилиш жараёнида. Ўқув курсларида замонавий касблар ва хорижий тилларни ўрганиш бўйича беш нафар ёшга жорий харажатларни қоплаш учун субсидиялар ажратилди.

Оиласи иқтисодий қийинчиликка учраган икки нафар ёшнинг сафарбарлик қақури ва захираси хизмати бадалли “Ёшлар дафтари”дан тўлиқ қоплаб берилди. Шунингдек, маҳалладаги иқтисодий қийинчиликка юз тутган ёшларнинг икки нафарига автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш курси харажатларининг бир қисми қоплаб берилди. Ўнлаб ёшларга

юрдик маслаҳат ва маънавий ёрдам берилмоқда. Ишлаб чиқариш фаолиятини яхшилаш мақсадида бир нафар ёш тадбиркорга имтиёзли кредит ажратилишига қўмак кўрсатилди. Бундан ташқари маҳалладаги истеъдодларни қўллаб-қувватлаш учун ҳомийлик асосида икки нафар ёшга спорт анжумлари олиб берилди.

Маҳаллада таъмирталаб ҳолатга тушиб қолган футбол майдончаси туманининг 2-сектор раҳбари ёрдамида тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Майдон универсаллаштирилиб, ҳозирда спортнинг волейбол тури бўйича ҳам машғулотлар ўтказилапти. Ўттизга яқин ёшнинг бандлиги таъминланди, ўндан зиёд ёшга уч ойлик ўқув курсларига бепул йўлланма берилди. Ёш оилаларнинг 60 нафар фарзандига ҳомийлар ёрдамида турли хил ўйинчоқлар, йигирма нафар оилага озик-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Маҳаллада ўтказилган “Беш ташаббус” олимпиадаси доирасида юзлаб янги истеъдодлар кашф этилди. Ҳар бир кўчада спортнинг футбол, волейбол турлари бўйича жамоалар ташкил этилди. Республикада кўзга кўринган ижодкорлар, таникли журналист, шoirлар, актёрлар билан ижодий учрашувлар, давра суҳбати ўтказилди. Бу учрашувлар маҳалламиз ёшларида унутилмас таассурот қолдирди. Маҳалла ёшлари ўртасида соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш борасида режали мусобақалар ўтказилиб келинмоқда. Бугун маҳалладаги ёшлар етакчиси чинакам маънода маҳалладаги ёшлар эгасига айланди.

Ёшлар камолоти, манфаати, ёруғ иқболи, бахту саодати – Янги Ўзбекистон келажагини барпо этишдек улуғвор мақсадимизнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Чунки давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ёшлар Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинасидир. Зеро, эътибор бор жойда ўсиш, ўзгариш бўлади.

Жаҳонгир НОСИРОВ,
Тошкент шаҳар,
Олмазор туманидаги
“Чилтўғон” МФЙ
ёшлар етакчиси.

Жаҳонни ҳайратлантирган табиб

Бир куни Журжон ҳукмдорининг жияни Абдулвоҳид номаълум бир дардга чалинади. У овқатланмас, кечалари алаҳсираб чиқар, дардини ичига ютиб, бошини кўтармас, биров билан гаплашмас экан. Ҳукмдорнинг топшириғига кўра Ибн Сино саройга етиб келади. Беморни кўздан кечирган табиб: «Жиянингизнинг бадани заиф, териси юпка, аммо соғлом. Касаллик аломати йўқ. Лекин, муҳаббатнинг ипак толаси унинг қўл-оёғини боғлаган бўлиши мумкин», дея тахмин қилади. Беморнинг пойинтар-сойинтар ёлғон гапларига ишонмасдан, ошиқнинг дилидаги ҳақиқатни ўқиб олмақчи бўлади. Саройдаги мулозимга Журжоннинг барча маҳалласи номини билдирган одам топишни буюради.

Келган одамни бемор ёнига чақириб, маҳаллалар номини айтишни илтимос қилади. Ошиқнинг томири «Сўзангарон» сўзи айтилиши билан қаттиқ ура бошлайди. «Сўзангарон» гузари оқсоқоли Шамсуддин домлани чақириб, ундан маҳалладаги барча хонадон бошлиқлари исмини бирма-бир айтишни сўрайди. Ниҳоят, беморнинг оҳиста ураётган томири «Алоуддин» деган исмини эшитиб, тез-тез ура бошлайди. Шундан сўнг, гузар оқсоқолидан Алоуддин

исмини кимсанинг барча оила-аъзолари номини шошилмасдан айтиб туришни сўрайди. Буни қарангки, «Роҳила» исмини эшитган беморнинг томири ҳаддан зиёд тез ура бошлайди, бемор қизаради-ю, хушидан кетиб қолади. Юзига сув сепиб, хушига келган ошиқ уялиб, пастга қараб туради. Ибн Сино унинг қалбидagi фикрларни тўлиқ ўқиб олган, сир фож бўлган эди.

– Бу каромат-ку, – дейди хайратланиб Журжон ҳукмдори.

– Наҳотки, одамзоднинг томир уриши, нафас олиши, кўз қорачиғига қараб, унинг юрак сирларини билиб олиш мумкин?..

Ҳа, минг йиллар олдин яшаган Ибн Сино ўша замон одамларини хайратга солган. У яшаган даврда инсонларнинг томир уриши, нафас олиши, терининг ҳаракатига қараб, уларнинг фикрларини таҳлил қилдиган полиграфолог касби бўлмаган. Полиграфология аппарати «Детектор LG» ускунасининг сароби ҳам кўринмаган.

У нафас олиш параметрлари, юрак-қон томир фаоллиги, терининг электр қаршилигини синхрон

Мазкур мақола Навоий вилоят “Тафаккур” ёшлар тарғибот марказининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат Фонди томонидан молиялаштирилган “Ибн Сино мероси – Учинчи Ренессанс пойдевори” грант лойиҳаси тарғиботи доирасида чоп этилди.

рўйхатга олиш, зарурат бўлса, бошқа физиологик параметрларни рўйхатга олиш орқали шахсдаги инструментал ва психофизиологик жараёнларни қон босими, нафас олиш, тери ҳароратини ўлчаш сенсори, ноутбук ва бу жараёнларни ҳисоблаш машинасидан иборат «Детектор LG» (Ёлғонни фож этиш аппарати) аппарати орқали узоқ таҳлил қилиб, вақтни чўзиб ўтирмади.

Шунчаки, бармоғи билан ёлғончи ошиқнинг томир уриши, нафас олиш ва рангининг ўзгаришига қараб, XXI асрда ўртача ўн минг АҚШ доллари миқдорида маош олаётган полиграфологлар ибораси билан айтганда, ёлғонлар ичидан ҳақиқатни излаб топди.

Ҳа айтганча, ўшанда унинг олдида ҳеч қанақа сенсор аппарати ва электр тўлқинларини таҳлил қилдиган ноутбук йўқ эди.

Ситора АБДУРАҲМОНОВА,
Навоий вилоят «Тафаккур» ёшлар тарғибот
маркази «IBN SINO VORISLARI»
тарғибот гуруҳи аъзоси

"ОДАМЗОТ ТИРИКЛИКНИ ДАВЛАТ БИЛСИН"



Ҳар бир халқнинг тарихий тақдирида ўша халқнинг тимсолига айланган, унинг гоёвий қарашларини ифода этувчи буюк тимсоллари, мутафаккирлари бўлади. Қозоқ халқи тарихига назар ташлар эканмиз, унда Абай (Иброҳим) Қўнонбоевнинг номи мағзур жаранглайди. У қозоқ халқининг чинакам оқини, мутафаккири, буюк ўланчисидир.

Уч юздан зиёд шеърый асарларнинг муаллифи бўлган, бир неча бадиий асарларни таржимони сифатида ҳам муҳим ва муқим ўрин тутати у. Чунки у ўз халқининг буюк мутафаккири сифатида улугвор ишларни амалга оширган адиб. Ўзбек халқининг ижтимоий онги ва бадиият тафаккурида Алишер Навоийнинг қанчалик ўрни бўлган бўлса, қозоқ халқи учун Абай ҳам шу даражада ардоқлидир. Теран томирлари туташ бўлган икки халқнинг дўстлиги Абай ижодида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган. Абай ижодини кузатган киши унинг уч чашма, уч манбадан сув ичиб, нур эмганини билади. Биринчиси қозоқ халқининг оғзаки ижодиёти, яъни фольклори, иккинчиси шарқ мумтоз адабиётининг йирик намояндалари ижодиётдан озикланиш бўлса, учинчиси эса Рус ва Европа адабиёти намояндаларининг асарларини таржима қилиб ҳамкорлик ва дўстлик риштасини мустақамлаганлигидир. У муқаддас тутган тушунчалар кадралабад туйғулар ичида дўстлик ва муҳаббат тушунчаси алоҳида ўрин тутати. "Муҳаббатсиз, дўстликсиз ҳаёт бўлмайди". Демак, уларсиз ҳаёт бамисоли мамотдир. Жон томирлари ва қон томирлари бир бўлган ўзбек ва қозоқ халқларининг қарашлари ва ҳаёт тарзида умумийлик бор.

Навоий ҳазратлари ишқ таърифидида "Бўлмаси ишқ икки жаҳон бўлмасун, икки жаҳон демаки жон бўлмасун" деб ёзади. Севги, муҳаббат, ишқ тушунчаларида бир мунча маъно фарқланишлари бўлсада, Абай ҳам ҳаётнинг муҳим мезони сифатида ана шу туйғуга эътибор қилади. У юқорида таъкидлаганимиздек, муҳаббат тушунчасини дўстлик туйғуси билан вобаста кўради.

Навоий ҳикматларидан бирида "неки нарса кўзга марғубдур кўнгилга маҳбубдир" дейилади. Демак, инсон қалбидаги бу туйғу қалбларни бир-бирига боғлаш орқали амалга оширилади. Муҳаббат уммонига кирган, ишқ гирдобига тушган кимса аклу хушдан бегона бўлиб кўз басир, қулоғи қар ҳолатга келади. Бу туйғу Абай ижодида ҳам ўзига хос шаклда ўз ифодасини топган.

*Севги тили - сўзсиз тил
Кўз билан кўр, дилдан бил.
Бир қараш ё бир имо -
Етар... Богланар кўнгил!*

Навоийнинг нуқтаи назарига мос-хос ҳолдаги фикрни Абай содда, халқчил тилда ифода этапти. Бу ўринда банданинг бандига муҳаббати эмас, балки яралганнинг яратганга ишқи юқори туйғу сифатида ифодаланаяпти. Ҳақ сўзни айтиш бобида Абай юқори даражада туради ҳатто, уни ўқитган унга таълим берган отасига ҳам баъзи масалаларда қарши фикрларни ифодалаш ҳолати мавжуд. Унинг бу ҳолати бир ривоятни ёдга солади. Эмишки, бир донишманднинг шогирди қайсар, ҳамиша ҳақ гапни айтадиган бўлади. Устозини ҳам аяб ўтирмасди. Одамлар унга "сени шу даражага етишишинга унинг таълимий, тарбиявий меҳри сабаб бўлмаганими, нега сен уни дилини ранжитиб ундай эмас бундай дейвурасан" - деганларида, тўғри, устозим мени шу даражага етказди, унга шубҳа йўқ, ҳурмат қиламан у улуг инсон, лекин нима қилайки ҳақиқат ундан ҳам улуг" - деб жавоб берган экан. Шунинг учун ҳам Абайнинг ўзи ва ўзга ҳақидаги ҳақиқатни талаб этиши бежиз эмаслигини билдиради.

*Мен ҳақимда сўйласанг ростин сўйла.
Мен тақир ерда ўсдим ва бир ўзим
Мингта билан олишдим, буни ўйла!*

Худди шундай Абай билан тақирдош маърифатпарвар адиблардан бири мавлоно Муқимий "гар қилич келсада бошимга дегайман ростин" деган хитобларини эндиликда англаш мумкин.

Демак, ҳақпарвар ва халқпарвар бўлгани учун ҳам уларнинг ҳаёти силлиқ кечмаган. Чунки Абай каби донишманд воизлар ўзим деб, сўзим деб тизим ва тузум душманлари билан олишган. Улар ҳақиқат эгилиши, букилиши мумкин, лекин асло синмаслигига чин дилдан ишонганлар. У инсоннинг ўзлиги учун кўзгу унинг сўзлиги эканлигини эътироф этади. Шу тобда халқимизнинг "ўзингга қараб кутарлар, сўзингга қараб кузатарлар" деган мақоли ёдга келади. Навоий ҳазратларининг "Сўзчи ҳолига бокма, сўз ҳолига бок" деган пурмаъно ҳикмати ҳам шу фикрни тасдиқлайди. Инсон камолотида таълим ва тарбия тушунчала-

ри омихта тарзда келади. Таълимнинг калити нутқ билан, тарбиянинг калити хулқ билан эканини мулоқот ва муомала жараёнида нутқий ва хулқий маданият зарур бўлишини Абай яхши ҳис этган.

*Ақл керак, созиш керак, хушхулқ керак,
Эр уялар ишини қилса бўлмай зийрак.
Шилта, шилқим, асли таги лўттибозга
Садоқатли дўст топилгай жуда сийрак.*

Биринчидан, инсон учун ақл, иккинчидан муносиб касб-хунар, учинчидан, хушмуомалалик зарур, акс ҳолда ҳаётда ўрни, обрўси, мавқе ва мартабаси бўлмайди демоқчи адиб.

Бошқа бир шоирнинг
*"Ҳаёт бу аслида борлиқ, тириклик,
Ғам ҳамда шодликка бўлган шериклик,
Дўстининг дардига малҳам бўлмасанг,
Айтиларми бундай ҳаёт кераклик"*

- деган ҳикмати бор. Демак, бахт бирдамлик ва ҳамкорликда, бир - бировига керак бўлиб яшашликда. Мана, Абайнинг назмий даъвати ва давлати.

*Одамзод тирикликни давлат билсин,
Ақл топсин, мол топсин, ҳалол юрсин.*

Абайнинг ушбу ўғити унинг бутун ижодиётига, адабий меросига муҳр бўла олади. Оқиллик, сарватмандлик ва ҳалоллик жо бўлган қалбда иймон ва эътиқод мужассам бўлади деган ҳукм бор унда. Унинг "Илм топмай мактанма", "Қалбингда ўгинг бўлса", "Ёшлиқдан билим изла" деган шеърларида ҳам худди шу рух ҳукмрон экани билан аҳамиятлидир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, икки халқнинг дўстлигини ифода этадиган абадиятга муҳрланган Абайнинг ижоди бевосита халқимизнинг орзу-умидлари ва мақсад интилишлари билан ҳамбарчас боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам жорий йилнинг 13 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинган. Бу қарор тарихий илдизлари туташ халқларнинг ривожланиш босқичларида ҳар томонлама бирдамлик ва ҳамкорликка даъват талаби бор. Пировард мақсадларни амалга оширишда эса ҳаммаслақлик ва ҳамкорлик ҳамиша муҳим мезон бўла олади. Бу эса тараққиётга қафолат демақдир.

**Раҳимбой ЖУМАНИЕЗОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси**

ЖАМИЯТ

BONG.UZ

Муассислар:

Табиат ресурслари
вазирлиги.

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати —
Ўзбекистон

Либерал-демократик
партияси.

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат
палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг
компьютер бўлимида
саҳифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-110
Адади: 2198.
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табок.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик
жиҳатдан сифатли чоп
этилишига "Шарқ" нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
71-233-72-77,
71-233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
"ЖАМИЯТ" дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00

1 2 3 4 5 6



Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкilotлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг "Ёшларнинг маънавий-руҳий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш" мавзусидаги давлат гранти асосида тайёрланди.

ТОПОЛМАССАН МЕНДЕК МЕХМОННИ

Халқимизнинг ардоқли шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов билан танишимизда ҳали талаба эдим. Ўшандан бошлаб бу буюк Инсон, беназир Шоир билан устоз-шогирд, ака-ука бўлиб юрдик.

У кишининг кўплаб янги шеърларини илк эшитувчиларидан, айрим шеърларининг ёзилиш жараёнига гувоҳ бўлганимдан бахтиёрман. Устоз билан тонготар суҳбатлар курганимиз, у кишининг ғоят теран фикрларидан хайратланган чоғларим хотирамда муҳрланиб қолган. Кейинчалик Абдулла ака билан турли нуфузли анжуманлар, йиғилишларда иштирок этдик, узоқ-яқин сафарларда бўлдик. Ана шу жараёнларда ҳар хил ибратли, қизиқарли воқеалар кўп бўлган.

Шулардан бирини эътиборингизга ҳавола қилишга жазм этдим.

1979 йилнинг июнь ойида Озарбойжонда Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадаси бўлди. Унда юздан зиёд ўзбекистонлик шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, олимлар иштирок этди. Мен декадани ёритиш учун «Ўзбекистон маданияти» газетасининг муҳбири сифатида (фотомуҳбир Содик Маҳкамов билан) қатнашдим.

Декада жуда юқори савияда ташкил этилганди. Ўзбекистон ва Озарбойжон ёзувчи ва шоирлари, санъаткорлари беш гуруҳга бўлиниб, Озарбойжоннинг барча районларида учрашувлар ўтказди.

Мехмонлар Бокудаги бир неча мехмонхонага жойлашган эди. Биз – ёш ижодкорлар, журналистлар «Боку» мехмонхонасида эдик.

Уч-тўрт ёш Озарбойжон шоирлари Абдулла Орипов билан суҳбат уюштиришимизни илтимос қилди. Норасмий, дилдан суҳбатлашсак, дейишди. Зеро, бу пайтда Абдулла Орипов ижоди Озарбойжонда ҳам машҳур бўлиб улгурган эди.

Бу таклифни Абдулла акага айтгандик, у киши рози бўлди. Бир оқшом «Боку» мехмонхонасида суҳбат ташкил этдик. Абдулла ака озарбойжон шоирларидан шеърлар эшитди, ўз фикрларини билдирди. Уларнинг илтимосига биноан ўзининг янги шеърларидан ўқиди. Сўнгра Низомий, Фузулий, Насимий, Собир, Вурғун ҳақида, уларнинг ижоди асосида озарбойжон халқининг тарихи тўғрисида мисоллар билан шундай сўзладики, шоирларнинг оғзи очилиб қолди. Низомий, Фузулий, Насимий, Самад Вурғун шеърларидан ўқиди. Алишер Навоий Низомий Ганжавийни устоз билган, Муҳаммад Фузулий эса Алишер Навоийни устозим деган. Бобораҳим Машраб билан Имодин Насимийнинг маслак-матлаби бир бўлган, Ғафур Ғулом билан Самад Вурғун кадрдон эди, деб икки қардош халқ тарихи,

маданияти, адабиёти, ижодкорларнинг ҳамкорлиги борасида хайратли мисоллар келтирди. Бир зум ўйга толди-да, «битта қоғоз бер», деди. Чўнтагидан ручка олиб, нималарнидир ёза бошлади. Биз жим ўтирдик. Мен секин кўз қиримни ташладим. Шеър туғилаётган эди. Ручка қоғоз узра йўргалашдан тўхтади. Шоир ёш озарбойжон шоири Сиёвуш Сархонлига қаради: «Бобакни биласанми?» деди. Сиёвуш кутилмаган бу саволдан гангиб турганди, Абдулла ака ўзи жавоб берди: «У Ватан озодлиги учун курашган, бизнинг Муқанна



каби». Ручка яна қоғоз юзида ҳаракатини давом эттирди. Хона жимжит. Биз бир-биримизга сўзсиз термиларимиз. Шоир жадал ёзди,

ёзди, ўчирди, яна ёзди... Ручкани столга қўйиб, ўйга толди. Хонада ҳамон жимлик ҳукмрон. Шоир яна ёза бошлади.

Қанча вақт ўтди билмайман, бир соатми, кўпми-камми... Бир маҳал ҳозир ёзган қоғозларини кўлига олиб, бизга юзланди: «Эшитинглар». Ўқий бошлади:

*Хаёл оти билан кезгил ҳар ённи,
Топмассан бундайн хушбахт бир онни.
Муҳр этди дилларга тарих инчунин,
Қадим қондошликни – олий эҳсонни.*

*Эъозлаб турибди кўтариб бошга,
Бу кун озар эли Ўзбекистонни.
Сўйласин минг йиллик мўйсафид тарих,
Бу дўстлик билганми шубҳа, гумонни?*

*Ўзбекман, англамай қаёққа бордим,
Шу инжа озарий тилни, забонни.
Дўстлик бу – муҳаббат янглиг
фараҳким,
Билгай у на ҳадни ва на довонни.*

*Асли Муқаннага қиёс этгулик,
Бобакнинг қалбидан тошган тугённи.
Низомий болидан ҳалво пиширмуш
Навоий забт этиб туркий жаҳонни.*

*Бир лаҳза қўлидан қўйганми ўзбек,
Ўзинг айт, Фузулий битган девонни.
Азизим, дилимда асраб юрибман,
Насимий қолдирган собит имонни.*

*Вурғуннинг шеъри деб жон чекса ўзбек,
Озар ҳам аярми Ғафурдан жонни?
Мен сендай мезбонни топмогим гумон,
Сен ҳам тополмассан
мендай меҳмонни.*

*Сен билан кечмишининг
жангоҳларида*

*Бирга таниганмиз яхши-ёмонни.
Тарих-ку, муҳташам ёдгордир олий,
Сўйлайин шу кунни, айни шу онни.*

*Қондошлик тугини кўтариб қушод,
Тавоб этмоқдамиз гулгун маконни.
Ҳазар коса бўлсин, яъни, жоми Жам,
Сипқаргил, шараф-ла давру давронни.
Мавжуд бўлмасайди дунёда агар,
Ўйлаб топар эдим Озарбойжонни.*

Абдулла ака шеърни ўзига хос оҳанг, шиддату шижоат билан ўқиди-да, атрофга қараб, «қалай?!» деди. Шу биргина сўзда «қойил қилдимми, бошлабманми?» деган теран маъно бор эди. Ҳаммамиз шоирни олқишладик. Абдулла Орипов мамнун жилмайди. Бир пиёла чой ичди-да, озарбойжон қардошларимизга шеърнинг мазмунини тушунтириб берди.

Абдулла Ориповнинг машҳур «Озарбойжон» шеъри ана шундай яратилган эди.

Ўша суҳбатда қатнашган ёш озарбойжон шоирлари ниҳоятда мамнун бўлиб кетишди. Кейин ҳам улар бу суҳбатни қайта-қайта эслаб, Абдулла акадан миннатдор бўлиб, у киши билан суҳбатни ташкил этганимиз учун бизга кўп ташаккур билдиришди.

Декаданинг охири куни мезбонлар меҳмонларни «Озарбойжон» теплоходида Каспий денгизидаги Нефттошлар шаҳарчасига саёҳатга олиб боришди. Бу шаҳарча Бокудан 150 километр ичкарида бўлиб, у ерда нефтчилар яшар экан. Тасаввур қилинг, 150 километр ичкарига кетдик. Тўрт томон сув. Одамни ваҳима босади. Биз – ёшларга каюта йўқ, шу боис очик палубада эдик.

Денгизни, чариллаб бир-бирини қувлаётган чорлоқларни томоша қилиб ўтиргандик, Абдулла ака кўриб қолди.

– Нима қилясан бу ерда? – деди менга.

– Баҳри Ҳазарни томоша қилиб ўтирибман, – дедим.

– Қайси каютадасан?

– Бизларга каюта йўқ, – дедим.

– Ие, нега йўқ? – ажабланди Абдулла ака.

У кишининг кайфиятини бузмаслик учун хотиржам гапирдим:

– Каюта шарт эмас, Абдулла ака. Қайтанга шу ер яхши. Денгиз ҳавосидан баҳраманд бўлиб, томоша қилиб кетамиз.

Устоз маънодор қаради:

– Олдин ҳам денгизда юрганмисан?

– Йўқ, – дедим. – Биринчи марта чиқишим теплоходга.

– Кўриниб турибди... – Абдулла ака қулди. – Денгиз касалини биласанми? Ўрганмаган одамга таъсир қилади. Қон босимини кўтариб юборади, бурундан қон кетиши мумкин. Шунинг учун узоқ масофага сузганда каютада ўтирган яхши... Бу ерга ҳар замон чиқиб, бироз томоша қилиб ўтирса бўлади, – у ёнимда турган сумкамга ишора қилди. – Ол буларингни, мен билан юр.

Мен хижолат бўлдим.

– Зарари йўқ, Абдулла ака, шу ер...

– Гапни кўпайтирма, юр... Бизнинг каютага борамиз... Бироздан кейин бу ерда концерт бўлади, ўшанда чиқамиз.

Абдулла Орипов билан Эркин Воҳидов битта каютада экан. Мен бир соатлар чамаси икки устоз суҳбатидан баҳраманд бўлдим. Сўнгра концерт томоша қилгани палубага чиқдик. Ўзбек ва озарбойжон санъаткорлари ижросида жуда гўзал концерт бўлди... Атрофда бир парча бўлсин қуруқлик кўринмайди, фақат сув, сув. Баҳри Ҳазар чайқалиб ётибди. Куёш чарақлаб турибди. Бешик-бешик тўлкинларни ёриб бораётган «Озарбойжон» теплоходида галма-гал ўзбек ва озарбойжон куй-қўшиқлари янграйди. Таърифга сўз ожиз. Ўша пайтдаги қувонч, ҳаяжон қалбимга мангу муҳрланиб қолган, десам муболаға бўлмас...

Ўшанда Абдулла ака шогирдларига ҳар доим, ҳар жойда меҳрибон ва ғамхўр эканига яна бир бор амин бўлганман.

Дарвоқе, Бокудан қайтганимиздан кейин бир ҳафта давомида бурним қонаб юрди. Шунда Абдулла ака айтган денгиз касали шу бўлса керак, деб ўйладим...

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист.